

**ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ОЙБЕК АШУРМАТОВнинг  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ  
ТАНТАНАСИДА СЎЗЛАГАН ТАБРИК НУТҚИ**

**2016 йил 30 август**

**Гулистон ш.**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!  
Ҳурматли вилоятимиз меҳмонлари!**

**Барчангизни энг улуғ, энг азиз айём  
– Ўзбекистон Республикаси давлат  
мустақиллигининг 25 йиллиги байрами  
билан ўз номимдан ва барча  
сирдарёликлар номидан самимий  
табриклайман!**

**Мустақиллик - тақдиримизни ўз  
қўлимизга олиш, муқаддас Ватанимизга  
бутун борлиғимизни бахш этиш учун,  
миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон  
хамжамиятидан муносиб ўрин олиши  
учун шарт-шароит яратиб бергани  
билан азиздир.**

**Аждодларимизнинг, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг, асрий орзулари ушалган кун – Мустақиллик - халқимизнинг энг муборак байрамидир.**

**Азиз юртдошлар!**

Бу йил мустақиллигимизнинг 25 йиллигини Ўзбекистон халқи **“ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган шиор билан қарши олмоқдалар.

Халқимиз бу байрамни жуда катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Бундай натижалар ва ютуқларни санаб саноғига етиш қийин. Лекин энг асосийси шундай ютуқлар замирида Муҳтарам Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган одилона ва оқилона сиёсатлари ётганлиги, шунингдек бу сиёсатга таянган халқимизнинг тинимсиз меҳнати ётибди.

Бундай натижаларни қўлга киритган юртдошларимизнинг меҳнати муҳтарам Президентимиз ўрнатган ижтимоий адолат туфайли қарор топаяпти.

Биргина байрам туфайли бизнинг вилоятимиздан **17 нафар** юртдошларимизни буюк Ватанимизни орден, медаллари билан тақдирланганлиги, шунингдек **692 нафар** сирдарёликлар Муҳтарам Президентимизнинг фармонлари билан **“Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил”** эсдалик нишони билан тақдирланганликлари бунинг исботидир.

Бугун шу минбардан туриб, муҳтарам Юртбошимизнинг чексиз меҳр ва эътиборларига сазовор бўлган, Сирдарёликларни **яна бир бор табриклашга рухсат бергайсиз.**

## **Азиз дўстлар!**

**Халқимиз бу улуғ байрамни орзиқиб, энтиқиб кутаётганлиги, унинг қадрига етаётганлиги нимадан далолат беради?**

**Аввало, мустақиллигимиз асосчиси, ўзбек халқининг жасоратли фарзанди мухтарам Президентимиз Ислам Каримов томонларидан истиқлолнинг биринчи кунидан бошланган ва башорат қилинган барча ислохотлар ўзининг натижасини бераётгани ва бу халқимизнинг манфаатига хизмат қилаётганидир.**

**Буни бутун дунё жамоатчилиги кўриб, тан бермоқда.**

**Шу ўринда, яқинда якунига етган жаҳон Олимпиадасида спортчиларимизнинг ютуғига алоҳида тўхталмоқчиман.**

Тўрт йилликнинг энг йирик спорт анжуманида спортчиларимиз юртимиз тарихида биринчи марта **13 та медални** қўлга киритишиб, Мустақилликни халқимизга берилган буюк неъмат эканлигини исботлашди. Улар **4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза** медалига эга бўлишиб, **207 та давлат** ичида **21-ўринни**, Осиё мамлакатлари ичида - **тўртинчи**, Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари ичида - **иккинчи**, Марказий Осиё Мамлакатлари ичида **биринчи**, боксчиларимиз эса жаҳонда **биринчи ўринни** эгаллаб, жаҳонда тенгсиз эканликларини исботлашди.

Бу муҳтарам Юртбошимиз томонларидан айтилган: **“Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!”** деган сўзларнинг ҳақиқий амалий исботи бўлди.

Дунё аҳли Олимпиадани катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатгани, ўз давлатининг спортчиси ғалабаси нашидасини татиб кўргани, унинг мувафақиятини ҳудди ўзиникидек қабул қилгани шубҳасиз. Бугун спортчиларимиз Олимпиада ғалабасидан қанчалик фахрланаётган бўлса, халқимиз ҳам уларнинг ютуқларидан шунчалик ғурурланмоқдалар

**Халқимиз ва давлатимиз кўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезонини янада кўз олдимизга келтириш, уни бутун мазмун-моҳияти билан тушуниш учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси муҳтарам Президентимиз айтганларидек “КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК” деган ҳаётий ҳақиқатни англаши ва киёслашининг ўзи кифоя деб ўйлайман.**

## Азиз дўстлар!

Ёш спортчиларимизнинг жаҳон Олимпиадасидаги натижалари барчамиз учун нафақат ғурур бағишлади, балки ўз кучимизга ишонч пайдо қилди. Демак ҳар қандай юксак марра тинимсиз меҳнат, ҳаракат, чин дилдан қилинган яхши ният билан амалга ошар экан.

Президентимиз бундан **14 йил олдин** болалар спорти ташкилотига асос солиб, ўзлари тарбиялаган бундай жасоратли ёшлардан ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, ҳар бир соҳа вакили, қолаверса ҳар бир Сирдарёлик ўрнак олиши керак, яъни ҳар бири ўз соҳасида юксак натижа учун курашиши керак, деб ўйлайман.

Ватан менга нима берди деб, эмас, мен ўзим фуқаро бўлиб, юртимга нима бердим, деб куйиб-пишсак, ҳаракат қилсак, юртимиз келажаги буюк, эртанги кунимиз бундан фаровон бўлиши шубҳасиздир.

**Бунинг учун мухтарам Президентимиздек Ватанни севишимиз, у кишидек ўз халқига садоқат билан хизмат қилишни – буюк шараф деб билишимиз керак.**

**Мен ўйлайманки, Юртбошимиз айтганларидек, қийинчиликларда обдон тобланган Сирдарёликлар ҳам бундай юксак марраларни қўлга киритишга қодир, мен бунга ишонаман.**

**Азиз юртдошлар!**

**Келинг, мана шу қутлуғ айём кунлари яхши ният қилайлик.**

**Юртимизнинг шаҳар-у қишлоқлари, маҳаллалари бундан ҳам обод, файзли бўлсин. Оилалар мустаҳкам бўлиб, хонадонларимизда фақат яхши кунлар, тўйлар бўлиб, фарзандларнинг камолини кўриб, фахрланиб юриш ҳаммамизга насиб этсин.**



**Мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин! Тинч, хотиржам, осойишта ҳаётимизга, жаннатмакон диёримизга, она Ўзбекистонимизга кўз тегмасин.**

**Юртимизни, муҳтарам Юртбошимизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.**

*Эътиборларингиз учун раҳмат.*

